



Кишининг ўзига тегишли бўлмаган нарсани тарк этиши унинг ислонининг - гўзаллигидандир», - дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кишининг ўзига тегишли бўлмаган нарсани тарк этиши унинг ислонининг - гўзаллигидандир», - дедилар.

[Имом Нававий: «Ҳасан ҳадис», деган] [Термизий ва бошқалар ривояти]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилдиларки, муслмон кишининг ислондаги гўзал хулқларидан ва иймонининг комиллигидан - дин ёки дунёга оид бўлишидан қатъий назар, уни қизиқтирмайдиган, унга тегишли бўлмаган ва фойда келтирмайдиган сўзлар ва ишлардан узоқ бўлишидадир. Чунки инсонни қизиқтирмайдиган нарсалар билан банд бўлиши, уни ўзи учун зарур бўлган ишлардан узоқлаштириб қўйиши ёки тарк этиши лозим бўлган ишларга уни етаклаб қўйиши мумкин. Албатта, қиёмат куни инсон ўз амаллари учун жавоб беради.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65255>

